

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

ЭРГАШЕВ ОРИФ РАХМАТУЛЛАЕВИЧ

***G.HIRSUTUM* L. НАВ ВА ТИЗМАЛАРИНИНГ АЙРИМ МОРФО-
ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА
ПОПУЛЯЦИЯВИЙ ТАРКИБИНИНГ ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ**

03.00.09-Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Эргашев Ориф Рахматуллаевич

G. hirsutum L. нав ва тизмаларининг айрим морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичлари бўйича популяциявий таркибининг генетик асослари..... 3

Эргашев Ориф Рахматуллаевич

Генетические основы популяционного состава сортов и линий *G. hirsutum* L. по показателям некоторых морфохозяйственных признаков..... 29

Ergashev Orif Rakhmatullayevich

Genetic bases for population composition of *G. hirsutum* L. varieties and lines according to some morpho-economic traits..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 59

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

ЭРГАШЕВ ОРИФ РАХМАТУЛЛАЕВИЧ

***G.HIRSUTUM* L. НАВ ВА ТИЗМАЛАРИНИНГ АЙРИМ МОРФО-
ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА
ПОПУЛЯЦИЯВИЙ ТАРКИБИНИНГ ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ**

03.00.09-Умумий генетика

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Биология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1.DSc/B188 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.genetika.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Азимов Абдулаҳат Абдужабборович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мўминов Ҳасан Аликулович
биология фанлари доктори, доцент

Сирожидинов Бехзод Арабджонович
биология фанлари доктори, профессор

Амантурдиев Алишер Балкибаевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111208, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз кўрғони 266-уй, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90, E-mail: igebr@academy.uz).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111208, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-юз кўрғони 266-уй, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90, факс (+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Нариманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к/х.ф.д., профессор

И.Дж. Курбанбаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., профессор

С.К. Бабоев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати: Дунёда бугунги кундаги глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалиги экинларининг янги ижобий кўрсаткичларига эга бўлган нав ва дурагайларини яратиш бўйича талаблар тобора ортиб бормоқда. Сўнги йилларда ғўзада классик ҳамда популяцион генетика услубларининг қўлланилиши асосида турли тупроқ ҳамда иқлим шароитларига мослашувчан генотипларни ажратиш олишга, уларнинг хўжалик учун муҳим ҳисобланган белги ва хусусиятлари бўйича имкониятларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бир қатор хорижий давлатларнинг иқтисодий ривожланишида ҳам ғўза ўсимлигининг пахта ҳосилини етиштириш ва толасини қайта ишлашнинг ўрни катта бўлганлиги тўғрисида маълумотларда қайд этиб ўтилган¹.

Жаҳонда асосий қишлоқ хўжалик экинларидан бири бўлган ғўзанинг замон талабига мос навларини яратишда анъанавий генетик-селекцион усулларни популяцион тадқиқотлар билан уйғунлаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада асосий пахтачилик соҳасининг ривожини янада юксалтириш учун ушбу ўсимлик турларидан янги дурагайларни ажратишда генотипларнинг муҳим морфо-хўжалик белгилари бўйича популяцион таркиби ҳамда мазкур таркиб имкониятларини аниқлаш, ҳар бир дурагайнинг айрим белгиларини қанчалик даражада ижобий томонга ўзгартирилганида бошқа кўрсаткичларнинг популяция таркибида қандай мувозанатда жойлашувини аниқлаш орқали генотипларни шакллантириш ёки мавжуд навларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда генетик-селекционер олимларимиз томонидан турлича тупроқ ва иқлим шароитларига кўра фарқланувчи экологик минтақаларга мослашган кўплаб ғўза навлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда. Бу борада Республикамизда сўнги йилларда ғўзанинг бир қатор янги генотипларини ажратиш олиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларига мослашган қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекцион навларини яратиш ва жорий этиш²” каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларга кўра, ғўзанинг экологик мослашувчан, биотик ва абиотик стресс омилларнинг салбий таъсирига чидамли, вегетация даври андоза навларига нисбатан қисқа ва ҳосилдор генотипларини ажратиш олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сонли “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори,

¹ <https://www.agroinvestor.ru/agroinvestor/9937/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 майдаги 282-сонли “Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари турларининг миллий генбанкни яратиш тўғрисида”ги Қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги: Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Қишлоқ хўжалиги экинларининг янги дурагайларини ажратиб олиш учун генетиканинг популяцион таҳлил услубларидан фойдаланган ҳолда нав ва тизмаларнинг хўжалик учун муҳим аҳамиятли ҳисобланган белгилари бўйича популяция таркибини аниқлаш, уларнинг маҳсулдорлик потенциалидан ҳам кенг қамровли фойдаланиш асосида белгиларнинг ижобий уйғунлигига эга бўлган янги ўсимлик оилаларини ажратиб олиш, мавжудларини эса янада такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг бир қатор етакчи илмий ташкилотлари, жумладан, University of Sydney (Австралия), АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти илмий тадқиқот марказларида (USDA-ARS), Техас механика ва қишлоқ хўжалиги университетида (АҚШ), Экология ва география институти (Хитой), Central Cotton Research Institute (Покистан), Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Agricultural Research Institute (Миср), Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги университети (New Delhi), Cotton Research Institute (Туркия) сингари илмий муассасаларида олиб борилмоқда.

G.hirsutum L. генотипларининг муҳим морфо-хўжалик кўрсаткичлари бўйича популяция таркибини аниқлаш ва улардан мақсадли фойдаланишга оид жаҳонда амалга оширилган изланишлар натижасида бир қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: ғўза дурагайларини экологик жиҳатдан турлича фарқланувчи минтақалардаги тупроқ ва иқлим шароитларида экиб, парваришлаб мослашувчанлик ҳамда ҳосилдорлик хусусиятларини аниқлаш асосида ҳар бир нав ва экологик ҳудуд учун энг мақбул агротехнологик тавсиялар илмий асосда ишлаб чиқилган (Agricultural Research Institute, Миср); ўсимлик генотиплари популяцияларининг ташқи муҳит таъсирига чидамлилик имкониятлари аниқланган (Экология ва география институти, Хитой); ғўзада хўжалик учун муҳим аҳамиятли ҳисобланган белгилари кўрсаткичларининг ижобий мажмуасига эга бўлган биотипларини бир генотипда жамлаш, гомеостазнинг кейинги авлодларда сақланишини генетик жиҳатдан мониторинг қилиб бориш, муҳим белги ва хусусиятлари уларнинг бўйича популяциявий таркиби имкониятларини аниқлаш орқали *G.hirsutum* L. нинг

³ Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.tamuk.edu>, <https://www.ars.usda.gov>, <https://www.ccri.gov.pk>, <http://english.egi.cas.cn>, <http://www.arc.sci.eg>, <https://www.cicr.org.in>, <https://www.sydney.edu.au>, <http://www.du.ac.in>, igebr@academy.uz ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

дурагай оилалари, нав ва тизмалари ажратиб олинган (Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Ўзбекистон); муҳим хўжалик белгиларининг ижобий уйғунлигига эга бўлган интрогрессив тизмалар негизида янги ҳосилдор ғўза навлари ажратиб олинган (Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон); ген инженерлиги услубларини қўллаш асосида тола сифатининг кўрсаткичларини янада оширишга эришилган ва янги навлар олинган (Геномика ва биоинформатика маркази, Ўзбекистон).

Дунёда ўрта толали ғўзанинг муҳим хўжалик белгиларига кўра популяция таркибини аниқлаш орқали янги навлар яратиш бўйича қатор, жумладан, куйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: маҳсулдор ғўзанинг популяция таркибидаги юқори кўрсаткичли ўсимлик гуруҳларини аниқлаш асосида янги оилаларни олиш; мавжуд навларни такомиллаштириш билан тола сифати ва чиқими юқори, ҳосилдор, ташқи муҳитнинг таъсирларига нисбатан бардошли генотипларни яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Академик Н.И. Вавилов кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тизимида фойдаланиладиган ўсимликлар селекциясининг экологик усулларини биринчи бор мукамал ишлаб чиқиб, илмий асослаган. Ғўза генотипларида юқори маҳсулдорликни белгиловчи белгиларнинг намоён бўлиши, генотипларнинг ташқи муҳит абиотик ва биотик омилларининг таъсирига жавоб реакцияси нормасини таҳлил этиш бўйича олинган маълумотлар В.Т. Campbell, М.А. Jones (2005), Stoilova A. Dechev D. (2002), S. Gul, N.U. Khan, S. Batool (2014), Nhamo Mudada, James Chitamba (2017), Sawan Laghari, M. Mureed Kandhro (2003), F. Mucoyi, E. Gasura (2018), S. Singh, V.V. Singh, A.D. Choudhary (2014), Ruan dos S.Silva, Francisco J. C. Farias (2020), Addissu G. Ayele, Jane K. Dever (2020), Mehmet Caliscan (2007) сингари кўплаб хориж олимларининг илмий тадқиқотларида атрофлича ёритилган.

Маданий экинлар, жумладан ғўза ўсимлигининг ҳар хил тупроқ-иқлим шароитларида экилиб, парваришланганида морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичлари бўйича популяцион таркибини ташкил этувчи биотипларнинг турлича фаоллашуви ёки аксинча пассив ҳолатга ўтишини ўрганиш ва умуман олганда генотиплардаги ижобий кўрсаткичларни фенотипда акс эттирувчи биотипларни ажратиб олиш бўйича амалга оширилган илмий изланишлар натижасида С.С. Содиқов ва бошқалар томонидан АН-Боёвут-2 (1993), О.Ж. Жалилов ва бошқалар томонидан Меҳнат (2003) навлари, И.Т. Қаҳҳоров ва бошқалар томонидан ЎзФА-703 (2005), Келажак (2006), ЎзФА-705 (2010), ЎзФА-707 (2015) ва ЎзФА-710 (2015) каби навлар яратилиб, ушбу навларнинг хўжалик учун аҳамиятли кўрсаткичлари узоқ йиллик якка танлаш усулларини қўллаш асосида ижобий ҳолатда шакллантирилган ва барқарорлаштирилган.

Ғўза генотипларининг морфо-хўжалик белгилари бўйича популяциявий таркиби, бу генотипларнинг юқори маҳсулдорлик хусусиятларини дурагайларда жамлаш бўйича олинган маълумотлар мамлакатимиз олимлари, жумладан, О.Ж. Жалилов, Т. Яминов (1992), Н.А. Саакова, А.П. Абуховская,

Е.В. Хегай (2001), С.М. Ризаева (2016), И.Т. Қаҳҳоров (2018), С.М. Набиев (2019), С.А. Эгамбердиева (2021) каби олимларнинг илмий ишларида баён этилган.

Бироқ, ғўза генотипларининг муҳим морфо-хўжалик белгилари бўйича популяция таркибининг намоён бўлишини аниқлаш асосида уларнинг имкониятларидан келгусида мақсадли фойдаланиш, яъни қайси генотипнинг айнан қайси белги ёки хусусиятларини ижобий томонга қанчалик даражада ўзгартириш мумкинлигини олдиндан билиш, ушбу белгиларнинг намоён бўлишидаги ўзаро боғлиқлигига кўра бошқа белги кўрсаткичларининг қайси томонга силжишини ҳам инобатга олган ҳолда селекцион дастурларни белгилаш борасидаги илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2015-2017 йилларда АТД ФА-А8-Т018 “Ўзанинг янги тизмалари ва навларининг наводрлигини таъминлаш, сара уруғлик чигитини етиштириш ва жорий этиш” ва 2018-2019 йилларда ФА-А-ҚХ-2018-26 “Ўзанинг *G. hirsutum* L. турининг янги нав ва тизмалари популяцияларини турғунлигини сақланиши жараёнларини ўрганиш, наводр, оригинал ва элита уруғлик етиштириш” мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўрта толали ғўза генотипларининг айрим морфо-хўжалик белгилари бўйича мувозанатлилик даражалари, популяция таркиби, улар ўртасидаги коррелятив боғлиқлигини аниқлаш ва касалликларга чидамлилигини баҳолаш асосида янги навлар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

G. hirsutum L. га хос бўлган популяцияларнинг айрим морфо-хўжалик белгилари бўйича ўртача кўрсаткичлари ва ўзгарувчанлик кўламини аниқлаш; генотипларнинг айрим морфо-хўжалик кўрсаткичлари бўйича популяция таркибини аниқлаш;

нав ва тизмаларда белгиларнинг фенотипик мувозанатлилик даражасига баҳо бериш;

ЎзФА-707, ЎзФА-710 навлари ва Т-1326 тизмасининг муҳим морфо-хўжалик белгилари бўйича популяция таркибида аллелларнинг тарқалиш частотасини Харди-Вайнберг қонуни асосида таҳлил қилиш;

нав ва тизмаларга хос бўлган белгиларнинг намоён бўлишидаги ўзаро корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

айрим морфо-хўжалик кўрсаткичлари бўйича тадқиқот намуналарининг популяция таркиби имкониятларидан фойдаланиш самарасини тасдиқлаш;

нав ва тизмаларда *Fusarium oxysporum* f.sp.vasinfectedum, *Fusarium solani* ҳамда *Verticillium dahliae* замбуруғларининг ўсимлик уруғи унувчанлигига таъсирини баҳолаш;

нав ва тизмаларнинг гулларидаги чангдонлар ва уруғкуртаклар сони бўйича фарқланишларини аниқлаш;

ғўзанинг юқори кўрсаткичли тизмаларини морфо-хўжалик белгилари бўйича нав даражасида такомиллаштириш ва барқарорлаштириш;
янги ўрта толали ғўза навини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўрта толали ғўзанинг ЎзФА-707, ЎзФА-710 навлари, Т-1326 тизмаси ва андоза Наманган-77 нави олинган.

Тадқиқотнинг предмети *G. hirsutum* L. генотипларининг айрим морфо-хўжалик белгиларининг ўртача кўрсаткичлари бўйича фарқланиши ва популяциявий таркибининг имкониятларини аниқлаш борасида дала ҳамда лаборатория шароитларида амалга оширилган тадқиқотлардан олинган маълумотларни статистик таҳлил қилиш ва асослаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари: Диссертацияда классик генетиканинг усуллари, популяцион таҳлил, қиёсий морфология, фенологик кузатувлар, селекциянинг танлаш ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *G.hirsutum* L. нинг ЎзФА-707, ЎзФА-710 ва Т-1326 сингари генотипларининг муҳим морфо-хўжалик кўрсаткичлари бўйича популяция таркиби илмий асосланган;

тадқиқот ашёларида муҳим морфо-хўжалик белгиларининг ўртача кўрсаткичларини намоён бўлиши бўйича ўзгарувчанлик кўлами аниқланган;

ЎзФА-707 ва ЎзФА-710 навлари ҳамда Т-1326 тизмасининг таҳлил қилинган белгилари бўйича популяция таркибида аллелларнинг тарқалиш частотаси Харди-Вайнберг қонуни асосида очиб берилган;

G.hirsutum L. генотипларида муҳим морфо-хўжалик кўрсаткичларининг шакллантирилишини уларнинг генеологияси бўйича популяция таркибига қиёслаш асосида ёритилган;

ғўза шаклларида муҳим хўжалик белгилари бўйича популяция таркиби имкониятларидан фойдаланишнинг самараси ЎзФА-707 ва ЎзФА-710 навлари мисолида очиб берилган;

тадқиқот ашёларида таҳлил қилинган белгиларнинг кўрсаткичларига кўра бир-биридан устунлиги жиҳатлари бўйича фарқланиши ёритиб берилган;

ғўза генотипларининг муҳим морфо-хўжалик белгиларини намоён бўлиши бўйича ўзаро корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

турли патогенлардан ажраладиган микотоксинларнинг зарарли таъсирига тадқиқот шаклларида хос бўлган уруғликларнинг чидамлилиги бўйича фарқланиши очиб берилган;

тадқиқот генотипларининг гулларидаги чангдонлари ва уруғкуртаклари сони аниқланган;

G.hirsutum L. нинг Т-1326 тизмаси муҳим морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичлари бўйича гомеостаз ҳолатга келтирилиб, нав даражасига етказилган;

ўрта толали ғўзага мансуб нав ва тизмаларнинг муҳим хўжалик белгилари бўйича популяция таркиби имкониятларидан фойдаланиш борасидаги тавсиялар илмий асосда ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

G. hirsutum L. тури генотипларида муҳим хўжалик кўрсаткичлари бўйича популяция таркиби имкониятларининг аниқланиши асосида ЎзФА-707 ва ЎзФА-710 навларининг тола узунлиги белгиси янада такомиллаштирилган;

генетик-селекцион ҳамда статистик таҳлиллар асосида ғўза генотипларининг популяциялари таркибида бир дона кўсакдаги пахта вазни 6,1-7,0 грамм, тола чиқими 43,1-44,0 % ва штапел узунлиги 35,1-36,0 мм.га эга бўлган ўсимликлар гуруҳи ажратиб олинган;

T-1326 тизмаси асосида ҳосилдорлиги, сифати ва тола чиқими юқори бўлган ғўзанинг янги “Қушбеги” нави яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги бир неча йиллик тажрибаларнинг услубий жиҳатдан тўғри амалга оширилганлиги мазкур тадқиқот ишларининг ҳар йили махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолангани, олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши ҳамда математик-статистик таҳлиллари, қилинган хулосаларнинг илмий ва амалий асослангани, илмий тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманлардаги муҳокамаси, ОАК томонидан эътироф этилган маҳаллий ва хорижий илмий нашрларда чоп этирилгани, ўрта толали ғўзанинг “Қушбеги” нави яратилиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тизимига жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *G. hirsutum* L. генотипларининг айрим муҳим морфо-хўжалик белгилари бўйича ўртача кўрсаткичлари ва популяция таркибининг бир неча авлод ўсимликларида шаклланиши қонуниятлари, барқарорлиги, белгиларнинг ўзгарувчанлик кўлами ва намоён бўлишидаги ўзаро коррелятив боғлиқлигини таҳлил қилиш орқали изоҳланади.

Диссертация иши натижаларининг амалий аҳамияти, тадқиқот ашёларининг муҳим морфо-хўжалик кўрсаткичлари бўйича популяция таркиби аниқлангани ушбу шакллардаги биотиплар мажмуасининг генетик имкониятлари бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, T-1326 тизмаси устида олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳосилдор, пахта ҳосилини машинада теришга мос, тола чиқими ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлган янги “Қушбеги” нави яратилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Классик генетика ва популяцион таҳлил услубларидан фойдаланилган ҳолда *G. hirsutum* L. нав ва тизмаларида айрим морфо-хўжалик белгиларининг кўрсаткичларига кўра популяция таркибини аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

Қушбеги навига Интеллектуал мулк агентлигидан селекция ютуғи сифатида патент олинган (26.04.2024 йил, № NAP 459). Натижада ушбу наждан юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш имконини берган;

Ўзанинг ЎзФА-710 ва Қушбеги (T-1326) навларининг уруғликлари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг ғўза коллекцияси

фондига топширилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023-йил 3-февралдаги № 07/21-21-05/419-сон маълумотномаси). Натижада, юқори тола чиқимига эга бўлган генотиплар ғўза коллекциясини бойитиш бўйича электрон маълумотлар базасини яратиш имконини берган;

Қушбеги нави Қашқадарё вилояти, Миришкор туманидаги “MIRISHKOR TEXTIL” МСНҲ агрокластерида 12 гектар майдонга янги нав сифатида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023-йил 3-февралдаги № 07/21-21-05/419-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу навдан андоза Бухоро-102 навига нисбатан 2-2,5 ц/га юқори ҳосил олиш имконини берган;

Ғўзанинг ЎзФА-710 нави Фарғона вилояти, Бағдод туманидаги “FERGANA SPINNIG” МСНҲ агрокластерининг экин майдонларида жами 49 гектар, Тошкент вилоятининг Бўка тумани АРК ВУКА МСНҲ агрокластери майдонларида 190 гектар, Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги “Давқум Шоимов” фермер хўжалигида 10 гектар ва Миришкор туманидаги “MIRISHKOR TEXTIL” МСНҲ агрокластери ҳудудларида 15 гектар майдонда экилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023-йил 3-февралдаги № 07/21-21-05/419-сон маълумотномаси). Натижада, андоза навларига нисбатан ушбу навдан 3,9-4,2 ц/га юқори ҳосил олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этирилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 10 та республика ва 1 таси хорижий журналда ҳамда 1 та монография нашр этирилган, 1 та ғўза навига патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулосалар, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 181 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “*G. hirsutum* L. нав ва тизмаларининг популяция таркибидаги морфо-хўжалик белгиларининг намоён бўлиши бўйича таҳлиллар” деб номланувчи биринчи бобида ғўза генотипларининг муҳим морфо-хўжалик кўрсаткичлари бўйича популяция таркиби ва имкониятлари, генотип ва муҳит вариансаларининг коэффицентлари, белгиларнинг ўзаро боғлиқлиги, турли патогенларнинг салбий таъсири ва уларга қарши кураш чоралари, гулларидаги чангдонлар ва уруғкуртагларнинг сонини аниқлаш борасидаги тадқиқотларнинг натижаларини акс эттирувчи маҳаллий ва хорижий илмий манбаларининг таҳлили келтирилган.

“Тадқиқот ўтказилган жой шароити, манбалари ва ўрганиш услублари” деб номланувчи диссертациянинг иккинчи бобида тажрибаларни бажариш жойи, манбалари ва қўлланилган услублар батафсил баён этилган.


Тадқиқотларни амалга оширишда генетиканинг популяцион таҳлил, қиёсий морфология, фенологик кузатув усулларида фойдаланилди. Тажриба вариантлари рендомизация услубида ва уч қайтариқда экилди. Генотипларнинг 100 дона ўсимликларини бош поя баландлиги сантиметрли ўлчов таёқчасида ва бошқа морфологик белгилари қўлда санаш орқали, бир дона кўсакдаги пахта вазни, тола узунлиги ва чиқими лаборатория шароитларида аниқланди. Маълумотлар Б.А. Доспехов бўйича статистик қайта ишловдан ўтказилди ва уларнинг дисперсия таҳлили Statgraphic-18 (ANOVA) дастурида амалга оширилди. Белгиларнинг намоён бўлишига генотип ва муҳит вариансаларининг коэффицентлари баҳоланди. Белгилар бўйича аллелларнинг популяция таркибидаги тарқалиш частотаси Харди-Вайнберг қонуни асосида таҳлил қилинди.

Тадқиқот ашёларининг уруғликларини унишида турли патогенларнинг таъсирига толерантлигини аниқлашда *Fusarium oxysporum f.sp.vasinfectedum*, *Fusarium solani* ва *Verticillium dahliae* турларининг штаммларидан фойдаланилди. Замбуруғ намуналари 100 мл хажмдаги Чапек-Докса озуқа муҳитида 250 мл колбада 25-27⁰ С ҳароратда 15 кун давомида ўстирилиб, кейин озуқа муҳитидаги мицелийни ажратиш учун филтрдан ўтказилди. 100 донадан уруғликлар бир сутка давомида замбуруғларнинг културал суюқлигига, назорат вариантыдаги уруғлар Чапек-Докса озуқа муҳитига ва дистилланган сувга ивитилди. Ивитилган уруғлар пинцет ёрдамида Петри ликобчасида ҳосил қилинган нам шароитда 7-10 кун давомида кузатиш учун 18-20⁰ С ҳароратли сунъий камерага қўйилди.

Диссертациянинг “*G. hirsutum* L. нав ва тизмаларининг популяция таркибидаги морфо-хўжалик белгиларининг намоён бўлиши” деб номланувчи учинчи бобида *G.hirsutum* L. генотипларининг бош поя баландлиги, шохланиш типи, кўсакларидаги чаноқлари, умумий ва очилган кўсаклари сони, бир кўсакдаги пахта вазни, тола узунлиги ва чиқими белгиларининг ўртача кўрсаткичлари ҳамда ўзгарувчанлик кўлами, ўртача маълумотларни ташкил топишида иштирок этувчи турли кўрсаткичли гуруҳларни популяцияларнинг таркибида фоиздаги улуши таҳлил қилинди.

Бобнинг биринчи бўлимида генотипларда бош поя баландлигини аниқлаш


учун олиб борилган изланишларнинг натижаси ёритилган (1-расм).



1-расм. Генотипларнинг бош поя баландлиги бўйича популяция таркиби.

Генотипларнинг популяцияларида бош поя баландлиги бўйича асосан 111-120 ва 121-130 см.ли ўсимликлар модал синфларни ташкил этар экан. 101-110 ва 131-140 см.ли модификантлар эса айрим йилларда намоён бўлиб, улар популяцияга сезиларли таъсир кўрсатмайди ва ирсиятида сақланмайди.


Бобнинг иккинчи бўлимида популяциялар таркибида шохланиш типи кўрсаткичларининг фенотипда намоён бўлишини аниқлаш мақсадида олиб борилган изланишлардан олинган натижалар келтирилган (2-расм).



2-расм. Генотипларнинг шохланиш типи бўйича популяция таркиби.

Ғўза генотипларининг популяцияларида асосан II-типли шохланишни намоён этувчи ўсимликлар барча шаклларнинг фенотипада доминантлик қилиши маълум бўлди. ЎзФА-707 нави ва Т-1326 тизмасига мансуб популяцияларда I-типли шохланишга эга ўсимлик гуруҳлари тадқиқотнинг бошқа ашёларига нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Таҳлил этилган барча популяцияларнинг таркибини шохланиш типи бўйича 3 хил биотиплар мажмуаси ташкил этар экан. Лекин уларнинг фоиздаги улуши нав ва тизмаларда турлича шаклланиши маълум бўлган.

Бобнинг учинчи бўлимида ғўза генотипларининг кўсақларидаги чаноқлар сони кўрсаткичларини фенотипада намоён бўлиши бўйича жамланган маълумотларнинг таҳлилий натижалари баён этилган (3-расм).




3-расм. Генотипларнинг кўсақларидаги чаноқлари сони бўйича популяция таркиби.

Таҳлилдаги барча генотипларнинг популяцияларида 4 ва 5 чаноқли кўсақларни тутувчи ўсимликлар мавжуд бўлсаларда, улар популяцияларнинг таркибида турлича фоизларда иштирок этиши маълум бўлди. Андоза Наманган-77 ва ЎзФА-707 навларининг ўсимликларида 45, ЎзФА-710 навида 39 ва Т-1326 тизмасида 57 % атрофида 5 чаноқли кўсақлар учраши аниқланди.

Бобнинг тўртинчи бўлимида генотипларнинг умумий кўсақлари сони бўйича популяция таркибини намоён бўлиши баён этилган (4-расм).


Тадқиқот шаклларининг барчасида 15-16 дона умумий кўсақлари бўлган ўсимлик гуруҳлари популяция таркибида модал синфларни ташкил этар экан. Модал синфларни пайдо қилувчи ўсимликлар ЎзФА-707, Наманган-77 ҳамда Т-1326 намуналарида ЎзФА-710 навига нисбатан кўпроқ бўлсада, 17-18 дона кўсақларни тутувчи ўсимликларнинг энг кўп гуруҳи ЎзФА-710 навида шаклланган экан.



4-расм. Генотипларнинг умумий кўсақлари сони бўйича популяция таркиби.

Олинган маълумотларнинг таҳлилий натижаларидан маълум бўлишича, ўсимликлардаги умумий кўсақлар сони бўйича генотиплар орасида ЎзФА-710 навининг популяция таркиби имкониятлари бошқа шаклларга нисбатан юқори экан.

Бобнинг бешинчи бўлимида 10-сентябр ҳолатида генотипларнинг жами очилган кўсақлари бўйича популяция таркиби таҳлил қилинган (5-расм).




5-расм. Генотипларнинг очилган кўсақлари сони бўйича популяция таркиби.

Тадқиқот намуналарининг жами очилган кўсақлари сони бўйича андоза нави популяцияларининг таркибида модал синфни ташкил этувчи ўсимликлар

гуруҳи тадқиқотнинг бошқа шакллариغا нисбатан кўп учраши аниқланди. Генотипларнинг популяция таркибида белги бўйича ўртача маълумотларни намоён этувчи ўсимликларга нисбатан юқори кўрсаткичли ўсимлик гуруҳларининг мавжудлиги ушбу шаклларнинг тезпишарлигини янада ижобий ҳолатда такомиллаштириш ёки янги тезпишар олиаларни ажратиб олиш борасида имкониятлари юқори эканлигини англатади.

Бобнинг олтинчи бўлимида генотипларнинг бир кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича популяция таркиби аниқланган (6-расм).




6-расм. Генотипларнинг бир кўсақдаги пахта вазни бўйича популяция таркиби.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, андоза Наманган-77, ЎзФА-707 ва ЎзФА-710 навларида 5.1-6.0 г., Т-1326 тизмасида эса бошқа шаклларга қиёслаганда 6.1-7.0 г. кўсақларни ҳосил қилувчи ўсимликларнинг гуруҳлари популяция таркибида доминантлик қилар экан. Ушбу маълумотлардан келиб чиқадики, Т-1326 тизмасининг бир донга кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича популяция таркибининг имкониятлари бошқа шаклларга нисбатан юқори экан. Келгусидаги маҳсулдор дурагайлар ва ўсимлик оилаларини ажратиб олишда мазкур тизмадан бошланғич манба сифатида фойдаланиш мумкинлигини таҳлил натижаларида ҳам акс этган.

Тажриба майдонида парваришланган ғўза популяцияларида тадқиқотнинг айрим йилларда 3.1-4.0 ва 7.1-8.0 граммли кўсақларни тутган ўсимликлар ҳам кам фоизларда бўлсада учраши кузатилиб, ушбу модификантларнинг белги бўйича генотипларнинг популяция таркибига сезиларли даражада таъсир ўтказмаслиги юқорида қайд этиб ўтилган.


Бобнинг еттинчи бўлимида ўрта толали ғўза генотипларида тола узунлиги белгиси бўйича популяция таркибининг намоён бўлишини аниқлаш мақсадида амалга оширилган тадқиқотларнинг маълумотлари таҳлил қилинган (7-расм).



7-расм. Генотипларнинг тола узунлиги бўйича популяция таркиби.

Барча генотипларнинг популяцияларида асосан 4 гуруҳдаги ўсимликлар мавжуд бўлиб, айрим йилларда модификантлар ҳам учраши кузатилади экан. Андоза Наманган-77 навида 33.1-34.0 мм., тадқиқотнинг бошқа барча генотипларида эса, 34.1-35.0 мм тола узунлигини ҳосил қилувчи ўсимликлар мажмуаси популяция таркибида устунлик қилар экан.

Бобнинг саккизинчи бўлимида генотипларнинг тола чиқими белгиси бўйича популяция таркиби таҳлил қилинган (8-расм).



8-расм. Генотипларнинг тола чиқими бўйича популяция таркиби.

Тола чиқими белгиси кўрсаткичлари бўйича андоза Наманган-77 ва ЎзФА-707 навларининг популяциялари таркибида асосан 36.1-37.0, 37.1-38.0, 38.1-39.0, 39.1-40.0 ва 40.1-41.0 % ни акс эттирувчи 5 та гуруҳдаги, ЎзФА-710 нави ва Т-1326 тизмасининг популяцияларида эса асосан 38.1-39.0, 39.1-40.0, 40.1-41.0 ва 41.1-42.0 % ли 4 та ўсимликлар гуруҳи шаклланган экан.

Аниқланишича, андоза Наманган-77 нави популяциясида 37.1-38.0, ЎзФА-707 навида 38.1-39.0, ЎзФА-710 нави ва Т-1326 тизмасида 39.1-40.0 ҳамда 40.1-41.0 % ли тола чиқими эга бўлган ўсимликлар гуруҳи модал синфларни ташкил этар экан. Барча шаклларда модификант ўсимликлар ҳам учраши маълум бўлди.

Диссертациянинг «*G. hirsutum* L. генотипларида морфо-хўжалик белгиларининг генетик вариансаси, популяцияларда аллелларнинг тарқалиш частотаси ва ўзаро коррелятив боғлиқлиги» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот генотипларига мансуб популяциялардаги морфо-хўжалик белгиларининг намоён бўлишида генотип ва муҳит вариансаси, белгилар бўйича аллелларнинг популяция таркибида тарқалиш частотасини Харди-Вайнберг қонуни асосида таҳлил қилиш ва корреляцион боғлиқлигини аниқлаш ишларининг натижалари келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлимида белгиларга генотип ва муҳит таъсири, ирсийланиши ва генетик самарадорлиги даражалари баён этилган.

1-жадвал

Белгиларининг намоён бўлишига генотипик ва муҳит вариантларининг таъсири, кенг маънодаги ирсийланиш ва генетик самарадорлик кўрсаткичлари

Белгилар	GCV (%)	PCV (%)	ECV (%)	h^2	GG	GG (%)
Ўсимлик бош поя баландлиги	1,87	2,57	1,76	0,73	2,52	2,80
Хосил шохлар сони	3,87	5,16	3,41	0,75	0,53	6,00
Умумий кўсақлар сони	3,22	4,80	3,53	0,67	0,52	4,47
Очилган кўсақлар сони	4,90	8,43	6,86	0,58	0,50	5,88
Бир дона кўсақдаги пахта вазни	8,72	10,20	5,28	0,85	0,68	15,40
Тола узунлиги	1,54	1,81	0,88	0,87	0,73	2,85
Тола чиқими	3,40	4,01	2,11	0,84	1,75	5,93
1000 дона чигит вазни	5,18	5,24	0,81	0,98	9,31	10,56

Изоҳ: GCV %: - генотипик вариантларнинг коэффициентлари; PCV %: - белгининг намоён бўлиши; ECV %: - муҳит вариантларининг коэффициентлари; h^2 : - кенг доирадаги ирсийланиш даражаси; GG: - генетик потенциаллик даражаси.

Тадқиқот шаклларида морфо-хўжалик белгиларининг намоён бўлишига генотип таъсири тола узунлиги ва бош поя баландлиги белгилари бўйича энг паст (мос равишда 1,54 ва 1,87 %), бир дона кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича эса энг юқори (8,72 %), ташқи муҳит таъсири эса очилган кўсақлар сони кўрсаткичларининг намоён бўлишида бошқа белгиларга нисбатан энг юқори (6,86 %), 1000 дона чигит вазни ва тола узунлиги белгиларида энг паст (мос равишда 0,81 ва 0,88 %) эканлиги аниқланди.

Таҳлилдаги ғўза генотипларининг популяцияларидаги ўсимликларнинг очилган кўсақлари сони бўйича ирсийланиш даражаси (h^2) очилган кўсақлари

сони кўрсаткичларида энг паст (0,58 %) ва 1000 дона чигит вазнида энг юқори (0.98) эканлиги қайд этилди.

Тадқиқот шаклларининг ўсимлик бош пояси баландлиги ва тола узунлиги белгилари бўйича генетик самарадорлик энг паст (мос равишда 2,80 ва 2,85 %), бир дона кўсақдаги пахта ва 1000 дона чигит вазни кўрсаткичлари бўйича энг юқори (мос равишда 15,4 ва 10,5 %) кўрсаткичларда намоён бўлганлиги аниқланди.

Бобнинг иккинчи бўлимида таҳлилдаги белгилар бўйича аллелларнинг популяцияларда тарқалиш частотаси Харди-Вайнберг қонуни асосида таҳлил қилинди (2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 ва 9-жадваллар).

2-жадвал

Ўсимлик бош поя баландлиги белгиси бўйича аллелларнинг популяцияда учраш частотаси

Навлар	p	q	p ²	q ²	2pq
Наманган-77	0,694	0,306	0,482	0,093	0,424
ЎзФА-707	0,639	0,361	0,409	0,130	0,461
ЎзФА-710	0,817	0,183	0,668	0,033	0,298
Т-1326	0,689	0,311	0,475	0,097	0,428

Ўсимлик бош поя баландлиги белгиси бўйича тадқиқот шаклларининг популяцияларида доминант аллеллар (p), доминант гомозиготали (p²) ҳамда доминант гетерозиготали (2pq) индивидларнинг мавжудлиги билан бирга рецессив аллелларнинг (q²) ҳам турли фарқланишларда учраши қайд этилди.

Генотипларда ўсимликларнинг бош поя баландлиги бўйича 110 см дан юқори индивидлар асосан доминант гетерозиготали ҳамда гомозиготали эканлиги ва уларнинг популяцияда фоизи юқори бўлиши аниқланди.

3-жадвал

Ўсимлик шохланиш типи белгиси бўйича аллелларнинг популяцияда учраш частотаси

Навлар	p	q	p ²	q ²	2pq
Наманган-77	0,602	0,398	0,364	0,160	0,476
ЎзФА-707	0,397	0,603	0,158	0,363	0,479
ЎзФА-710	0,726	0,274	0,528	0,077	0,395
Т-1326	0,510	0,490	0,260	0,240	0,500

Тадқиқот майдонида парваришланган ўсимликларнинг шохланиш типи белгиси бўйича генотипларнинг популяцияларида доминант гомозиготали (p²) аллеллар мос равишда 36,4 %, 15,8 %, 52,8 % ва 26,0 % индивидларнинг мавжудлиги аниқланди. Рecessив аллеллар (q²) нинг учраш частотаси намуналарда мос равишда 16,0 %, 36,3 %, 7,7 % ва 24,0 % ни ташкил этар экан. Ўсимликларда гетерозиготали доминант (2pq) индивидлар 39,5 % дан 50,0 % гача қайд этилди. Популяцияларда II тип шохланишли доминант гетерозиготали, фақатгина ЎзФА-710 навида III тип шохланишли доминант

гомозиготали аллелларнинг учраш частотаси юқори фоизда эканлиги маълум бўлди.

4-жадвал

Кўсақдаги чаноқлар сони бўйича аллелларнинг популяцияда учраш частотаси

Навлар	p	q	p ²	q ²	2pq
Наманган-77	0,450	0,550	0,204	0,304	0,491
ЎзФА-707	0,373	0,627	0,139	0,393	0,468
ЎзФА-710	0,390	0,610	0,154	0,374	0,472
T-1326	0,567	0,433	0,322	0,188	0,490

Ўсимликларнинг кўсақларидаги чаноқлар сони бўйича популяцияларда доминант гомозиготали (p²) аллелларнинг улуши T-1336 ва Наманган-77 навида бошқа шаклларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Рецессив аллеллар (q²) нинг популяцияларда учраш частотаси T-1336 тизмасида энг юқори, бошқа шаклларда эса бир-бирига яқин кўрсаткичлар намоён бўлди. Гетерозиготали доминант (2pq) индивидлар ҳам генотиплар бўйича 46,8 % дан 49,1 % гача қайд этилди. Барча популяцияларда 4 ва 5 чаноқли доминант гетерозиготали аллеллар учраш частотаси асосан юқори бўлиб, бунда 5 чаноқли доминант гомозиготали индивидларга нисбатан 4 чаноқли рецессив аллелларнинг учраш частотаси юқори бўлсада, лекин T-1326 тизмасида 5 чаноқли доминант гомозиготали индивидлар 4 чаноқли рецессив аллелли индивидларга нисбатан учраш частотаси юқори эканлиги маълум бўлди.

5-жадвал

Жами кўсақлар сони бўйича аллелларнинг популяцияда учраш частотаси

Навлар	p	q	p ²	q ²	2pq
Наманган-77	0,511	0,489	0,265	0,243	0,492
ЎзФА-707	0,545	0,455	0,301	0,210	0,489
ЎзФА-710	0,589	0,411	0,347	0,170	0,483
T-1326	0,458	0,542	0,215	0,300	0,485

Ўсимликларнинг умумий кўсақлари сони бўйича популяцияларда доминант гомозиготали (p²) ва доминант гетерозиготали (2pq) индивидларни мавжудлиги аниқланди. Популяцияларда рецессив аллелларнинг (q²) учраш частотаси жами кўсақлар сони бўйича 17,0 % дан 30,0 % гача қайд этилди. Популяцияларда умумий кўсақ сони 15-16 дона бўлган индивидлар асосан доминант гетерозиготали ва уларнинг фоизи юқори эканлиги аниқланди.

6-жадвал

Очилган кўсақ сони бўйича аллелларнинг популяцияда учраш частотаси

Навлар	p	q	p ²	q ²	2pq
Наманган-77	0,406	0,594	0,166	0,353	0,481
ЎзФА-707	0,657	0,343	0,451	0,137	0,412
ЎзФА-710	0,512	0,488	0,270	0,247	0,483
T-1326	0,572	0,428	0,340	0,197	0,463

Ўсимликларда очилган кўсаклар сони белгиси бўйича популяцияларда доминант гомозиготали (p^2) аллеллар андоза навида энг кам ва ЎзФА-707 навида юқори, гетерозиготали ($2pq$) индивидлар эса мос равишда 41,2 % дан 48,3 % гча учраши аниқланди. Барча намуналарнинг популяцияларида рецессив аллелларнинг (q^2) учраш частотаси 13,7 % дан 35,3 % гача бўлиши қайд этилди. Барча намуналарда очилган кўсаклар сони 11-12 дона бўлган индивидлар асосан доминант гетерозиготали бўлиб, ушбу индивидларнинг популяция таркибидаги фоизи юқори эканлиги аниқланди.

Таҳлилдаги популяцияларда доминант гомозиготали (p^2) аллелларнинг учраши энг кам андоза Наманган-77 навида ҳамда Т-1326 тизмасида юқори ҳолатда намоён бўлди. Рecessив гомозиготали (q^2) аллелларнинг учраш частотаси андоза навида энг кўп, Т-1336 тизмасида эса энг паст ҳолатда тарқалиши аниқланди. Таҳлил этилган популяциялардаги гетерозиготали доминант ($2pq$) индивидлар 28,3 % дан 49,3 % гача кўрсаткичларни қайд этди.

7-жадвал

Бир дона кўсакдаги пахта вазни бўйича аллелларнинг популяцияда учраш частотаси

Навлар	p	q	p^2	q^2	$2pq$
Наманган-77	0,507	0,493	0,260	0,247	0,493
ЎзФА-707	0,736	0,264	0,548	0,077	0,375
ЎзФА-710	0,730	0,270	0,544	0,083	0,373
Т-1326	0,828	0,172	0,687	0,030	0,283

Доминант гомозиготали аллелларнинг популяцияларда учраш частотаси юқори фоизларда эканлиги аниқланган бўлсада, аммо доминант гетерозиготали индивидларнинг фоизи Наманган-77 навида юқори эканлиги маълум бўлди.

Бир дона кўсакдаги пахта вазни 5 г. ёки ундан юқори кўрсаткичли бўлган аллелли индивидлар ушбу генотипга мансуб популяцияларда бошқа шаклларга нисбатан кўпроқ учраши мумкин эканлиги қайд этилди.

8-жадвал

Тола узунлиги белгиси бўйича аллелларнинг популяцияда учраш частотаси

Навлар	p	q	p^2	q^2	$2pq$
Наманган-77	0,513	0,487	0,270	0,243	0,487
ЎзФА-707	0,668	0,332	0,447	0,110	0,443
ЎзФА-710	0,720	0,280	0,519	0,080	0,401
Т-1326	0,692	0,308	0,484	0,100	0,416

Популяцияларда тола узунлиги белгиси бўйича аллелларнинг учраш частотасига кўра, доминант гомозиготали (p^2) аллеллар 27,0 % дан 51,9 % гача намоён бўлди. Доминант гетерозиготали ($2pq$) аллеллар популяцияларда мос равишда 48,7, 44,3, 40,1 ва 41,6 % эканлиги аниқланди. Рecessив аллеллар (q^2) нинг учраш частотаси 8,0 % дан 24,3 % гача бўлди. Тола узунлиги 33-34 мм ва ундан юқори кўрсаткичли ўсимликлар асосан доминант гетерозиготали ҳамда

доминант гомозиготали эканлиги, ушбу индивидларни фоизи андозага нисбатан бошқа барча шаклларда юқори эканлиги аниқланди.

9-жадвал

Тола чиқими белгиси бўйича аллелларнинг популяцияда учраш частотаси

Навлар	p	q	p ²	q ²	2pq
Наманган-77	0,320	0,680	0,102	0,463	0,434
ЎзФА-707	0,430	0,570	0,190	0,330	0,480
ЎзФА-710	0,781	0,219	0,613	0,050	0,337
T-1326	0,639	0,361	0,411	0,133	0,456

Тадқиқот генотипларининг популяцияларида тола чиқими белгисининг кўрсаткичлари бўйича андоза Наманган-77 ҳамда ЎзФА-707 навларида асосан доминант гетерозиготали ва рецессив гомозиготали индивидлар фоизи юқори эканлиги аниқланди. ЎзФА-710 нави ва T-1326 тизмасида эса асосан доминант гетерозиготали ва доминант гомозиготали индивидлар фоизи юқори бўлганлиги аниқланди.

Бобнинг учинчи бўлимида тадқиқот ашёларининг таҳлилдаги белгилари бўйича коррелятив боғлиқлиги аниқланган бўлиб, натижаларга кўра:

Андоза Наманган-77 навининг морфо-хўжалик белгилари бўйича ўзаро корреляциясида 2021 йилда бош поя баландлиги белгиси билан моноподиал шохлар сони ўртасида ўртача ижобий ($r=0,305^{**}$), жами кўсаклар сони ўртасида ўртача салбий ($r=-0,470^{***}$) боғланишлар пайдо бўлган. 2022 йилда бош поя баландлиги билан симподиал шохлар сони ҳамда жами кўсаклар сони билан очилган кўсаклар сони ўртасида ўртача ижобий (мос равишда $r=0,350^{***}$, $r=0,358^{***}$) боғлиқликларнинг мавжудлиги аниқланган. Тадқиқот йиллари давомида таҳлилдаги бошқа белгилар ўртасида ижобий ва салбий боғланишларнинг кучсиз даражаси аниқланган.

2020 йилда ЎзФА-707 навининг бош поя баландлиги билан моноподиал шохлар сони ўртасида ўртача салбий ($r=-0,300^{**}$), жами кўсаклар билан очилган кўсаклар сони белгилари ўртасида ўртача ижобий ($r=0,524^{***}$) боғланишнинг мавжудлиги маълум бўлган. 2021 йилда бош поя баландлиги билан тола узунлиги белгилари ўртасида ўртача ижобий ($r=0,341^{***}$), симподиал шохлар ва очилган кўсаклар сони ўртасида эса ўртача салбий (мос равишда $r=-0,395^{***}$ ва $r=-0,342^{***}$) корреляция намоён бўлган. 2022 йилда бош поя баландлиги билан очилган кўсаклар сони ўртасида ўртача салбий ($r=-0,335^{***}$), симподиал шохлар билан тола чиқими ўртасида ўртача ижобий ($r=0,324^{**}$), бошқа белгилар ўртасида ижобий ва салбий боғланишларнинг кучсиз даражаси пайдо бўлган.

ЎзФА-710 нави хос бўлган морфо-хўжалик белгиларининг ўзаро корреляциясида 2020 йилда симподиал шохлар билан бир кўсакдаги пахта вази, жами ва очилган кўсаклар сони белгилари ўртасида ўртача ижобий (мос равишда $r=0,347^{***}$, $r=0,677^{***}$) боғланишларнинг борлиги аниқланган. 2021 йилда нав популяциясининг бош поя баландлиги белгиси билан жами кўсаклар сони ўртасида ўртача салбий ($r=-0,320^{**}$) корреляция аниқланган. 2022 йилда

жами кўсақлар билан очилган кўсақлар сони кўрсаткичлари ўртасида ўртача ижобий ($r=0,478^{***}$), бошқа белгилар ўртасида ижобий ва салбий боғланишларнинг кучсиз даражаси пайдо бўлган.

